БУХОРО РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИ ТАРИХИДАН

И.А.Алимов

В статье на основе богатого архивного материала освещена вакуфная политика БНСР, противоречия в её подготовке и процессе осуществления; раскрыты сущность и последствия данной политики.

In this article the basis of a rich archival material the politics BNCR, contradiction in preparation and process of realization is covered the essence and consequences of the given politics.

Бухоро Ўрта Осиёда ислом маданияти, фани, таълими ривожланган давлатлардан бири бўлган. Марказий Осиёдаги дастлабки масжид, мадрасалар ҳам Бухорода вужудга келган. Илоҳиёт илмининг билимдонлари Бухоро мадрасаларида мударрислик қилганлар. “Бухоройи шариф” унвони унга диний марказ сифатида шуҳрат қозонганлиги учун берилган. У шундай улуғ номга сазовор бўлган мусулмон дунёсидаги еттита шариф шаҳардан бири ҳисобланади. Бухоро ислом динининг Шарқдаги кучли марказларидан бири бўлганлиги учун диний ташкилотлари — масжид, мадраса, қорихоналари ва уларнинг вақф мулклари кўп бўлган. Вақф ерлари Бухородаги барча фойдаланиладиган ерларнинг 25 фоизини ташкил этган. Бу ерлардан тушган даромад амирлик даврида ислом муассасаларининг талаб ва эҳтиёжлари учун ишлатилган. Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилганидан кейин совет ҳукумати амалга оширган вақф сиёсати вақф ерларини давлат мулкига айлантириш, вақфдан тушган даромадни давлат хазинасига тушириш ва уни совет маорифини ривожлантириш учун сарфлашга қаратилган, бу сиёсат босқичма-босқич амалга оширилган.

БХСРнинг “Ер тўғрисидаги декрети”ни тайёрлаш ва қабул қилиш вақтида коммунистлар билан Ёш бухороликлар ўртасида кескин кураш кетган. Бухоро Компартияси Марказий Комитети котиби Н.Ҳусаинов ва Марказий комитет аъзоси А.Акчурин ер тўғрисидаги қонунга барча ерларни, жумладан, вақф ва бойлар ерларини национализация қилиш тўғрисидаги моддани киритишни талаб қилдилар. Бухорода амир монархияси ағдарилишидан олдин Ёш бухороликлар партиясининг раиси бўлган Файзулла Хўжаев ва унинг тарафдорлари Бухоро республикасидаги аниқ ҳолатни ҳисобга олиб, дастлабки даврда амир, унинг оила аъзолари, беклар ерларини национализация қилиб, вақф ва бойлар ерларига тегмасликни таклиф қилдилар.

“Ер тўғрисидаги декрет лойиҳаси” БКП Марказий Комитети ва Бухоро Инқилобий Комитети томонидан шошилинч муҳокама қилинди. 1920 йил 20 сентябрда БКП Марказий Комитети декрет лойиҳасини муҳокама қилиб, қуйидаги қарорни қабул қилди: “Декрет асосан қабул қилинсин, вақфдан ташқари барча моддалари эълон қилинсин.”[1]

“Ер тўғрисидаги декрет лойиҳаси”да вақф ерлари масаласини қатъий ҳал қилишга ҳаракат қилинган, диний ташкилотларнинг, мусулмон руҳонийларининг вақф ерларини тўла давлат ташкилоти – Маориф нозирлиги ихтиёрига ўтказиш кўзда тутилган. Бу қонунга — масжид, мадрасалар вақфларини давлат ихтиёрига тортиб олинишига руҳонийларгина эмас, масжид қавмлари, мадраса талабалари, уларнинг ота-оналари ва уламоларни қўллаб қувватлайдиган аҳоли қарши чиқиши мумкин эди. Шуни ҳисобга олиб, Инқилобий Комитет аъзолари 1920 йил 24 сентябрда “Ер тўғрисидаги декрет лойиҳаси”ни муҳокама қилиш жараёнида лойиҳанинг вақфга бағишланган 6-моддасини декрет матнидан чиқаришни ва айрим бошқа моддаларни таҳрир қилишни таклиф қилган эди. Лойиҳа муҳокамасидан сўнг Инқилобий Комитет қуйидаги қарорни қабул қилди: “Лойиҳанинг айрим моддалари Бухоронинг ҳақиқий иқтисодий шароитига тўғри келмайди, шунинг учун Инқилобий Комитетнинг навбатдаги мажлисига қадар қолдириш керак.”[2]

Қабул қилинган “Ер тўғрисида”ги декретни лойиҳа билан таққослаш кўрсатадики, Инқилобий Комитет мажлисида лойиҳанинг 1- ва 6-моддаларига эътироз билдирилган. Декрет лойиҳасининг 1-моддасида бундай дейилади: “1. Амир ва унинг оила аъзолари, беклар,

[1] История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924) Сб документов. – Т.: 1976, 49-50-бетлар.
[2] ЎзР МДА, 46-ф., 1-р., 115-иш, 115-в.

қозилар, амалдорлар, умуман, амир амалдорлари ва йирик бойларга тегишли барча ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинади."

Декрет лойиҳасининг 6-моддасида шундай ёзилган: "6. Барча вақф ерлари Маориф назоратининг Вақф бўлими ихтиёрига берилади. Вақф ерларидан тушадиган даромад маърифат мақсадларига ва меҳнатга лаёқатсизларни таъминлашга сарфланади."[3]

Инқилобий комитет аъзолари декрет лойиҳасининг 1-моддасида амир, унинг оила-аъзолари ва бекларга тегишли ерларни национализация қилишни тўғри деб ҳисоблашган, лекин қозиларга, умуман, амир амалдорлари ва йирик бойларга тегишли ерларни мусодара қилишга қарши чиқишган. Қабул қилинган декретда 1-модданинг биринчи қисми қолдирилган, иккинчи қисми матндан олиб ташланган. Декрет лойиҳасининг 6-моддаси қабул қилинмаган, тасдиқланган декретга киритилмаган.

"Ер тўғрисида"ги қонун "Бухоро ахбори" газетасининг 1920 йил 21 ноябрдаги сонида эълон қилиниб, республиканинг бутун аҳолисига янги ҳукуматнинг аграр сиёсати ҳақидаги хабар етказилди. Бу қонуннинг 1-моддасида ағдариб ташланган амирга, унинг оила-аъзолари ва бекларга тегишли экин ерлари барча деҳқончилик қуроллари билан бадалсиз тортиб олинади, умумхалқ мулки ҳисобланади ва ерсиз, кам ерли деҳқонларга бўлиб берилади, дейилган. Қонуннинг 4-моддасида амир режими даврида экин ерларидан олинадиган ҳирож, муштбар, амлок ва бошқа солиқлар бекор қилинади, деб кўрсатилган.

"Ер тўғрисидаги қонун"да деҳқонларни норози қилмаслик учун вақф ерлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Қонун лойиҳасида аниқ кўрсатилганидек, советларнинг мақсади вақф ерларини ҳам диний ташкилотлардан тортиб олиш, давлат ташкилоти — Халқ маориф нозирлиги тасарруфига ўтказиш бўлганлиги яширилган.

Бухородаги аграр муносабатларда диний ташкилотларнинг ер эгалиги, вақф ерлари масаласи муҳим ўрин эгаллади. Бу масалани ҳал қилишга, тўғри тартибга солишга партия ва совет органлари алоҳида аҳамият берган. Бухоро республикасида вақф мулкига давлат муносабатини, ҳукумат сиёсатини белгилашда Туркомиссия, Туркбюро каби Марказнинг Фавқулодда ва Мухтор вакиллик органлари Туркистон АССРда вақф масаласини ҳал қилиш тажрибасидан фойдаланганлар. Туркомиссия, Туркбюро тавсияси билан вақф мулклари — ерлар, савдо, саноат, коммунал корхоналар (бозорлар, дўконлар, карвонсаройлар, тегирмон, обжувозлар, ҳаммомлар ва бошқалар) икки туркумга — диний вақфлар ва маданий-маърифий вақфларга бўлинган. Диний ташкилотлар вақф мулкларига масжид, мозор, мақбара, хонақоҳ, қорихона, ҳожихона ва бошқалар кирган, улардан келадиган даромад диний ташкилотларга ва уларнинг хизматчиларига сарфланган. Маданий-маърифий вақф мулклари — мадраса, мактаблар, касалхоналар, етимхоналарни таъмирлаб, хизматчиларини таъминлаш ва ҳовуз-қудуқларни тозалаб туриш, кўприк, йўлларни таъмирлаш ва шу каби ишларга вақф қилинган, улардан келган даромад БХСРда совет маорифи учун ва хайр-эҳсон йўлида сарфланган.

Бухоро республикасида вақф мулклари кўп бўлган, жумладан, вақф ерларининг миқдори Туркистон АССРдаги вақф ерларидан ҳам кўп эди. БХСРдаги вақф ерлар 488 265 танобни* ташкил қилган. Шундан маданий-маърифий вақф ерларга 327037 ва диний вақф ерларга 161.127 таноб ер қарашли эди.[4]

Бухоро амирлиги даврида барча вақф мулкларини диний ташкилотлар, мусулмон руҳонийлари бошқарган. Хонлар, амирлар, амалдорлар, бойлар, савдогарлар — катта ер эгалари у дунёда савоби тегсин деб, ўз шахсий мулкининг бир қисмини диний, маданий-маърифий, жамоат ишлари, хайр-эҳсон учун вақф қилганлар. Диний ва маданий-маърифий ташкилотлар вақф мулкларининг бошқарувчиси — мутавалли вақф мулкидан тушган даромаднинг 10 % и, айрим ҳолларда 5 % идан ўзи фойдаланган. Даромаднинг қолган қисмидан вақфномада кўрсатилган шартлар асосида фойдаланишни ташкил қилган.

Бухорода Марказнинг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин, диний ташкилотларнинг вақф мулкига ҳукумат муносабати ўзгарди. Диний вақфлар илгаригидек диний ташкилотлар

---

[3] ЎзР МДА, 48-ф., 1-р., 74-иш, 43-в.

* Таноб-турли жойларда турлича бўлган ер ўлчови. БХСРда таноб 1/4 десятинага, Фарғонада – 1/6 десятинага, ХХСРда – 1/3 десятинага тенг.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти девонхонаси архиви, 58-ф, 1-р, 167-иш,, 210-в.

тасарруфида қолдирилди. Маданий-маърифий вақфлар национализация қилинмаган бўлса ҳам, амалда давлат ихтиёрига ўтказилди. 1920 йил 12 сентябрда Маориф халқ нозирлиги қошида Вақф бошқармаси, шундан келиб чиқиб жойлардаги маориф бўлимлари қошида вақф бўлинмалари ташкил қилинди.

Маданий-маърифий вақфларни Маориф халқ нозирлиги ихтиёрига ўтказиш ва улардан тушган даромадни совет маорифини рифожлантиришга йўналтириш ғояси Туркистон республикаси тажрибасидан олинган бўлиб, бу ғоя дастлаб 1920 йил 2 сентябрдаги Бухоро воқеалари арафасида Ҳарбий инқилобий бюро тайёрлаган "Ер тўғрисидаги декрет лойиҳаси"да ўз аксини топган эди. Лойиҳанинг вақфга бағишланган моддасида сўл коммунистлар таъсирида Бухорода монархия ағдарилгандан кейин барча вақф ерлари Маориф халқ нозирлигининг Вақф бўлими ихтиёрига ўтказилади, дейилган. Лойиҳанинг вақф тўғрисидаги моддасининг эълон қилиниши руҳонийларни, маҳаллий халқнинг норозилигини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, Бухоро Марказий Инқилобий Комитети лойиҳанинг бу моддасини тасдиқламаган ва қабул қилинган "Ер тўғрисидаги қонун"га киритмаган эди. Лекин амалда бу ғоя қисман ўзгартирилиб, ҳаётга жорий қилинган. Бу ўзгариш шундан иборатки, вақф ерларининг ҳаммасини эмас, фақат маданий-маърифий вақф мулклари Маориф халқ нозирлиги қошидаги Вақф бўлими ихтиёрига ўтказилган.

Республика ҳукумати 1920 йил 12 сентябрдаги мажлисида Вақф бошқармаси бошлиғи лавозимига Муҳитдин Рафоатни тайинлади. Вақф бошқармаси зиммасига юкланган дастлабки вазифалар қуйидагилардан иборат эди: 1) ҳар бир мутаваллидан ҳисобот талаб қилиш ва вақфномаларни йиғиб олиш; 2) мутавалли ва ижарачиларда қолган пул маблағларини йиғиб олиш; 3) мадрасаларга ҳалол ишлайдиган мутаваллилар ва инспектор-назоратчиларни тайинлаш; 4) таъмирталаб вақф бинолари рўйхатини тузиш; 5) шаҳардаги барча вақф мулкларини ҳисобга олиш.

Бухоро республикаси ҳукумати вақф мулкларидан тушадиган даромадни совет маорифини ривожлантириш мақсадида фойдаланишга йўналтириш учун доимо назорат қилиб борган. Туркком-сия ва Туркбюронинг республика ҳукумати ва Компартиясига топшириғи шундай бўлган. Шунинг учун Вақф бошқармасининг фаолияти, вақф мулкларидан тушган даромаддан фойдаланиш тартиби масаласи республика Халқ Нозирлар Шўроси диққат марказида турган. Бу масала 1921 йил 29 апрелда Халқ Нозирлар Шўросида махсус муҳокама қилинган эди. Қабул қилинган қарорда Вақф бошқармасининг 50 % и даромади Маориф халқ нозирлиги эҳтиёжи учун, 25 % и мадраса ва бошқа ташкилотлар биноларини таъмирлаш учун, 25 % и Вақф бошқармасининг бошқа эҳтиёжлари учун сарфланиши белгилаб қўйилган.[5]

1922 йилнинг 25 декабрида Халқ Нозирлар Шўроси Вақф бошқармаси фаолиятини яна муҳокама қилди ва унинг фаолиятини қониқарсиз деб топди. Вақф бошқармасининг молиявий фаолиятини текшириш ва вақф мулкидан тушган даромаддан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш учун вақф масаласи бўйича Фитрат, Мазҳар Бўронов ва Муинжон Аминов таркибида комиссия ташкил қилинди. Халқ Нозирлар Шўроси комиссияга маданий-маърифий вақфлардан тушган даромад миқдорини ва улардан фойдаланиш тартибини аниқлашни топширди. Шу билан бирга, Халқ Нозирлар Шўроси қарорида масжидлар вақфларидан олинган даромад Вақф бошқармасига ўтказилмаслиги ва улардан фойдаланишнинг илгариги тартиби сақлаб қолиниши алоҳида уқтириб ўтилган.[6]

1923 йил 21 февралда БХСР Халқ Нозирлар Шўроси вақф масаласи бўйича комиссиянинг маърузасини эшитди ва шу асосда Вақф бошқармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилди. Республика ҳукуматининг қарорида шундай дейилган: "Масжидларга тегишли вақфлардан ташқариларининг даромадлари қуйидагича бўлинади:

1) даромаднинг 3/5 қисми Маориф нозирлиги ва Вақф бошқармаси харажатларига берилсин;

2) даромаднинг 1/5 қисми ижтимоий таъминотга, йўл ва кўприкларни таъмирлашга сарфлансин;

---

[5] ЎзР МДА, 48-ф., 1-р., 17-иш, 250-в.

[6] ЎзР МДА, 48-ф., 1-р., 122-иш, 30-в.

3) даромаднинг 1/5 қисми Вақф бошқармасига тегишли биноларни таъмирлашга сарфлансин."[7]

Бухорода 133 та диний ташкилотдан 102 таси вақфнома шартига кўра вақф ерлари ҳосилининг 1/3 қисмини олиш шарти билан ижарага берилган. 22 та ташкилот ҳосилнинг ¼ қисмини, битта ташкилот – ҳосилнинг 1/5 қисмини олиш шарти билан ерни ижарага берган. Фақат 10 та диний ташкилот ҳосилнинг 1/3 қисмидан кам олиш шарти билан ерларини ижарага берган.[8]

Вақфномаларда белгиланган ижара ҳақи, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, анча юқори бўлган. Масжид, мадраса, мақбара, хонақоҳ ва бошқа диний ташкилот биносини қурдирган ва уларга вақф мулки васият қилган шахслар ўзларини кўпроқ маблағ билан таъминлаш мақсадида вақфномада ижара шартини нисбатан юқорироқ белгилашган. Вақфкорлар вақф ерларидан фойдаланганлиги учун ҳосилнинг 30-40 фоизини ижара ҳақи сифатида тўлашган. Вақф ерларининг бундай ижара шарти, шубҳасиз, вақфкорларга оғирлик қилган. Улар бу қийин, машаққатли ҳаётдан нолиб, ижара шартини енгиллаштиришни талаб қилганлар.

1922 йил 25 декабрда республика ҳукумати вақф масаласини кўриб чиқиб, Вақф бошқармаси фаолиятини яна қониқарсиз деб топган ва махсус комиссия тузиб, унга бошқарманинг молиявий ишларини текшириш, даромаддан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар бериш ва вақф мулкларини ижарага беришни амалга ошириш вазифаларини юклаган.

1923 йил бошида Вақф комиссиясининг вақф ерларини ижарага бериш жараёнида вақфкор деҳқонларнинг ижара ҳақини камайтириш тўғрисидаги талабини қондириш анча жиддий масала эди. Вақфномада кўрсатилган ижара шартини ўзгартириш шариат тартиб-қоидаларини бузиш бўлиб, вақф ерларини бошқарувчи масжид, мадраса ва бошқа диний ташкилотлар ходимлари —руҳонийларнинг норозилигини келтириб чиқариши мумкин эди. Шуни ҳисобга олиб, вақф ерларни ижарага бериш шартини ўзгартиришни БХСР раҳбар партия ва совет органлари муҳим масала деб баҳолайди, уни республика ҳукумати қарори билан эмас, халқ номидан ҳал қилишни маъқул деб топади ва катта тайёргарлик ишларини олиб боради.

1923 йил 8 октябрда Бухоро Халқ Совет Республикасининг вақфкор деҳқонлар қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой вақф ислоҳотини ўтказиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Қурултой вақф ерларидан бутун ҳосилнинг 0,3-0,4 қисмини ижара ҳақи сифатида олиш ўрнига 0,1 қисмини — ушр ундиришни жорий қилишга қарор қилди. Шу билан бирга, БКП Марказий комитети қошидаги масъул ходимлар кенгаши қароридан фарқли ўлароқ, қурултой ушрни фақат маданий-маърифий вақф ерларидангина эмас, диний вақф ерларидан ҳам ундиришга қарор қилди. Қурултой қатнашчилари вақф ерларини масжидлар ихтиёрида қолдириб, ижара ҳақини ҳосилнинг 1/10 қисмидан ундиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар.[9]

Шундан кейин, 1923 йил 11-17 октябрда бўлиб ўтган халқ вакиллари советларининг IV Бутун Бухоро Қурултойи Вақф бошқармаси фаолияти ҳақидаги маърузани эшитди ва муҳокама қилиб, "Вақф тўғрисида" қарор қабул қилди. Қурултой илмий ва маданий мақсадлар учун васият қилинган вақфлар Вақф бошқармаси ихтиёрида бўлишини, масжидларга васият қилинган ва дин билан боғлиқ вақфларни мутаваллилар бошқаришини яна бир бор таъкидлади. Вақф бошқармаси ихтиёридаги вақф ерларидан тушадиган даромаддан янги усул мактаблари очиш, кутубхона, ўқув заллари ташкил қилиш, китоблар чоп этиш, етим-есирларни тарбиялаш ва таъминлаш учун фойдаланиш тавсия этилди.

Қурултой вақф ерлари ижараси учун ҳақ тўлашнинг ҳосилнинг 0,3-0,4 қисмини ташкил қиладиган эски тартибини бекор қилди. Советларнинг қурултойи қарорида вақф ерларидан фойдаланиш учун ушр — ҳосилнинг фақат 0,1 қисми миқдорида ижара ҳақи ундириш зарур, деб таъкидланди. Қурултойнинг бу қарори билан вақф ерлари амалда вақфкор деҳқонларга берилган эди ва улар национализация қилинган ерларни олган деҳқонлар қаторида фақат ер солиғи —ушр тўлайдиган бўлдилар. Қаровсиз, бўш ётган вақф ерларига ишлов берган

[7] ЎзР МДА, 48-ф., 1-р., 122-иш, 15-в.
[8] ЎзР МДА, 57-ф., 1-р., 103-иш, 100-104-в.
[9] ЎзР ПАА, 14-ф., 1-р., 362-иш, 26-27-в.

деҳқонлар бир йилдан то уч йилгача ушрдан озод қилинган. Қурултой БХСР Халқ банкига вақфкор деҳқонларга биринчи навбатда қарз бериш вазифасини юклади.

Қурултойнинг “Вақф тўғрисида”ги қарорида Вақф бошқармаси маданий-маърифий вақфлардан тушадиган даромадни қуйидаги мақсадлар учун сарфлаши белгиланган: 1) янги усул мактаб ва мадрасаларни таъминлашга, 2) муаллимлар, агитаторлар, мактаб ташкилотчилари ва пропагандистлари курсларини таъминлашга, 3) кутубхона, ўқув хоналари ва нашриётларни таъминлашга, 4) эски мактаб ва мадрасалар биноларини таъмирлашга, 5) муҳим тарихий ёдгорликлар ва ҳужжатларни таъмирлашга, 6) камбағалларни ижтимоий ҳимоялашга, 7) мударрис, муаллим ва мусулмон ҳуқуқшуносларини таъминлашга.

Бухоро республикаси партия ва совет органларининг вақф ислоҳотини ўтказишдан кўзлаган асосий мақсади диний ташкилотлар, руҳонийларнинг ҳуқуқи ва моддий имкониятларини (иқтисодий базасини) чеклаш бўлган. Вақф ерлари руҳонийлар даромадининг асосий манбаи бўлган. Ислоҳот натижасида руҳонийларнинг вақф ерларидан тушадиган даромади 3-4 баробар қисқарган, ислоҳотнинг амалга оширилиши диний ташкилотлар, масжид ва мадрасаларнинг иқтисодий қувватини анча заифлаштирган. Бу ҳолат, ўз навбатида, руҳонийларнинг халқ орасида олиб борадиган маданий, маърифий, маънавий, тарбиявий ишларига катта зарар етказди. Мадраса, мактаблар моддий томондан кучсизланиб, аввалги мавқеини йўқотди. Вақф ислоҳоти халқ маънавий ҳаётига зиён келтирди.

Андижон давлат университети,
2009 йил 25 майда қабул қилинган.